

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида
жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан
такомиллаштириш тўғрисида**

2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида:

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ҳамда барча ҳудудий молия, ғазна, назорат-тафтиш ва пенсия органларида Фуқаролар қабулхонаси фаолияти ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фуқаролар қабулхонасининг манзили Тошкент шаҳри Мустақиллик майдони, 5-уй Маъмурий бинонинг олтинчи қаватида жойлаштирилсин.

4. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш жараёнини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат бўлимига юклатилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. Назорат бўлимига қуйидаги вазифаларни бажариш топширилсин:

бир ҳафта муддатда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини сайёр қабули жадвалини тасдиқлаш;

мазкур буйруқни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ ва виртуал қабулхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг виртуал қабулхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ишонч телефонида келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш, тегишлилиги бўйича жўнатиш ва ҳисоботларини тузиш;

Фуқаролар қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек уларнинг фаолиятини меъёрий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

мурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган тизимли қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган амалий чораларни кўриш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига маълумотларни тақдим этиб бориш;

вазирлик марказий аппарати ва унинг таркибидаги ташкилотлар, шунингдек ҳудудий молия органларининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

жойларга сайёр чиқишларни ташкил этиш ҳамда келиб тушаётган мурожаатлар бўйича тезкор тегишли чора-тадбирларни кўриш;

вазирликка келиб тушган, шунингдек тегишлиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган, мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиниши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш;

мурожаатларга асос бўлган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш юзасидан вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ва ташкилотларида, шунингдек ҳудудий молия органларида амалга оширилаётган ишлар бўйича доимий таҳлиллар ўтказилишини таъминлаш;

мурожаатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очик мулоқотни кенгайтириш, аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вазирлик марказий аппарати ва унинг таркибидаги ташкилотлар, шунингдек ҳудудий молия органларида мурожаатлар билан ишлаш борасида амалга оширилаётган фаолият тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирига мунтазам равишда ахборот бериб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилишини, умумлаштирилишини, тизимлаштирилишини ва кўриб чиқилишини доимий равишда назорат қилиб туришни таъминловчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш ва жорий этиш орқали мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ундан кенг равишда фойдланишни йўлга қўйиш;

вазирлик ҳузуридаги ташкилот ва муассасалар ходимларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фуқаролар қабулхонаси фаолиятини ташкиллаштириш ва амалга ошириш жараёнига ўрнатилган тартибда жалб қилиш.

6. Фуқаролар қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари Узбекистон Республикаси Молия вазирлигида қабул қилиш жадвали мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

7. Фуқаролар қабулхонаси фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) билан ишлаш жараёнининг сифат жиҳатидан янги самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

келиб тушган мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

вазирликка келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатларни кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллариининг қабулларини вазирликнинг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, ғазначилик, назорат-тафтиш ва пенсия бошқармалари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар молия, ғазначилик, назорат-тафтиш ва пенсия бошқармалари бошлиқлари, шунингдек уларнинг туман ва шаҳар бўлимлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилот ва муассасалар бошлиқлари зиммасига жорий йилнинг **10 январига қадар** жойларда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллариини қабул қилиш жадвалини тузиш ва мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул этиб тайинланган жавобгар шахслар рўйхатини Назорат бўлимига топшириш вазифаси юклатилсин.

9. Жойларда жисмоний ва юридик шахслар вакиллариини қабул қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул этиб тайинланган жавобгар шахслар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

барча келиб тушган мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига қатъий риоя қилган ҳолда тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкиллаштириш;

ҳудудий молия органларига келиб тушган, шунингдек ҳудудий молия органлари таркибий бўлинмаларига ва ғазначилик бўлинмаларига тегишлилиги бўйича йўналтирилган мурожаатларни кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан ҳудудий молия органларининг мансабдор шахслари иштирок этган ҳолда қабулларни амалга ошириш;

Фуқаролар қабулхонасида махсус бурчак ташкил этиш ва унда молия, ғазначилик, назорат-тафтиш ва пенсия бошқармалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва вазифалари (соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет параметрлари, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини кенгайтириш, субвенция миқдорини камайтириш дастури, молия органининг низоми, таркибий тузилмаси, штатлар жадвали, фуқаролар қабулини рўйхатга олиш китоби, молия органининг иш режаси, бюджет ташкилотларининг сони) тўғрисида маълумотни жойлаштириш;

Назорат бўлимига тизимли асосда маълумотларни тақдим этиш.

10. Белгилаб қўйилсинки, мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул этиб тайинланган жавобгар шахсларни, мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишга жалб қилиш тақиқлансин.

11. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси (Б.Нурматов) Молия вазирлиги тизимидаги барча раҳбарлар ва мансабдор шахсларни, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ва нормаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликкача бўлган жазога тортилишлари тўғрисида огоҳлантириш вазифаси топширилсин.

12. Ишлар бошқармаси (Ш.Валиханов) Бошқарув органларини молиялаштириш бошқармаси (Р.Эргашев), Ахборот-ҳисоблаш маркази (У.Салиев) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати, ҳамда вазирлик ҳузуридаги ташкилот ва муассасалар, шунингдек ҳудудий молия, ғазна, назорат-тафтиш ва пенсия органларига мазкур буйруқни етказилишини таъминлаш;

бир ойлик муддатда вазирликда ташкил этилаётган Фуқаролар қабулхонасини самарали фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча зарур моддий-техник масалаларни ечиш вазифаси топширилсин.

13. Фуқаролар қабулхонаси фаолиятини молия, ғазна, назорат-тафтиш ва пенсия органларининг барча бўғинларида ташкил этилганлигини назоратини ташкил этиш мақсадида Ҳудудларда фуқаролар қабулхоналари фаолиятини мониторинг қилиш бўйича махсус гуруҳнинг сафарга чиқиш графиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Махсус гуруҳнинг асосий вазифаси этиб жойларда фуқаролар қабулхоналари фаолияти қай даражада ташкиллаштирилганлиги ва йўлга қўйилганлигини ўрганиш, мавжуд камчилик ва хатоликларни жойида бартараф этиш, шунингдек амалга оширилган ишлар юзасидан Назорат бўлимига ҳисобот тақдим этиш белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази (Б.Пардаев)га бир hafta муддатда фуқаролар қабулхоналарини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни, шунингдек ҳудудий молия органлари ходимларига мазкур қабулхоналар фаолияти тўғрисида оддий ва тушунарли тилда ёзилган услубий қўлланма тайёрлаш вазифаси топширилсин.

16. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Б. Ходжаев

КЕЛИШИЛДИ:

Вазирнинг биринчи ўринбосари

Ж. Қўчқоров

Ғазначилик бошлиғи – вазир
ўринбосари

Д. Саттаров

Бюджетдан ташқари Пенсия

Д. Султанов

жамғармаси

Назорат-тафтиш бош бошқармаси

М. Агзамов

Худудлар молияси бош бошқармаси

А. Тўхтаев

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси

Б. Нурматов

Назорат бўлими

Ш. Нуриев

Юридик бошқарма

Р. Махкамов

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг
2017 йил “ 3 ” январь
5 -сон буйруғига
1- ИЛОВА

**Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлигида қабул қилиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Лавозими	Ф.И.О.	Қабул куни ва вақти	Қабул бўйича масъул шахслар
-----	----------	--------	---------------------	-----------------------------

1.	Молия вазири	ХОДЖАЕВ Ботир Асадиллаевич	<u>Жума</u> 16.00 дан 18.00 гача	<u>Нурматов Б..</u>
2.	Вазирнинг биринчи ўринбосари	ГУСЬКОВА Татьяна Николаевна	<u>Сешанба</u> 9.00 дан 11.00 гача	<u>Оллоёров М.</u> <u>Мухамедов Д.</u>
3.	Вазирнинг биринчи ўринбосари	ҚЎЧҚОРОВ Жамшид Анварович	<u>Чоршанба</u> 16.00 дан 18.00 гача	<u>Шарахметов Ш.</u>
4.	Вазир ўринбосари	МИРЗАЕВ Мубин Мухитдинович	<u>Пайшанба</u> 9.00 дан 11.00 гача	<u>Бахрамов Р.</u>
5.	Вазир ўринбосари	ТУРСУНОВ Ёрқин Эргашевич	<u>Жума</u> 9.00 дан 11.00 гача	<u>Тўхтаев А.</u>
6.	Вазир ўринбосари – Ҳазначилик бошлиғи	САТТАРОВ Дилшод Нематович	<u>Сешанба</u> 16.00 дан 18.00 гача Ҳазначилик биносида	<u>Ғаниев Б.</u>
7.	Бошқарма бошлиқлари		<u>Ҳар иш куни</u> 9.00 дан 18.00 гача	
8.	Республика йўл жамғармаси бошқаруви		<u>Ҳар иш куни</u> 9.00 дан 18.00 гача	
9.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департамент бошқаруви		<u>Ҳар иш куни</u> 9.00 дан 18.00 гача	
10.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати бошқаруви		<u>Ҳар иш куни</u> 9.00 дан 18.00 гача	

**Худудларда фуқаролар қабулхоналари фаолиятини мониторинг қилиш бўйича
махсус гуруҳнинг сафарга чиқиш графиги**

№	Худудлар номи	Туман(шаҳар)лар сони	Муддат	Масъуллар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	15	16-19.01.2017й.	Тухтаев Ақобир Ҳакимович – Худудлар молияси бош бошқармаси бошлиғи Мирзаев Ботир Тойирович – Муҳтож оилалар ва фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш ва тўлаш мониторингини амалга ошириш шўъбаси мудири
2	Андижон вилояти	16	16-19.01.2017й.	Маматкулов Шодиёр Абдувахидович – Агросаноат мажмуининг қайта ишлаш соҳалари, бошқа корхоналари молияси ва нарх бўлими бошлиғи
3	Бухоро вилояти	13	16-18.01.2017й.	Умаров Фазлиддин Каримович – Солиқ маслахати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни таъминлаш сектори мудири
4	Қашқадарё вилояти	14	16-19.01.2017й.	Фазилов Азамат Шухратович – Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
5	Жиззах вилояти	13	16-18.01.2017й.	Нурматов Умиджон Таджибаевич – Бошқарма бошлиғи ўринбосари, Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи
6	Навоий вилояти	10	16-18.01.2017й.	Маматов Насим Шавкатович – Монополист корхоналар ва табиий монополия субъектларини нарх орқали тартибга солиш мониторинг бўлими бошлиғи
7	Наманган вилояти	12	16-19.01.2017й.	Касымов Хасан Абдусаломович – Аудит услубиёти ва аудиторлик фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи
8	Сурхондарё вилояти	14	16-19.01.2017й.	Курбанов Давронбек Кадамбаевич – Молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
9	Самарқанд вилояти	16	16-19.01.2017й.	Ибрагимов Джамал Камилович – Пудрат ишлари бозорини молиявий тартибга солиш бўлими бошлиғи
10	Сирдарё вилояти	11	16-18.01.2017й.	Умаров Бахтиёр Муратович – Валюта активлари ва мажбуриятлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
11	Тошкент вилояти	18	16-20.01.2017й.	Муйдинов Адхам Нумонжонович – Молия вазирлиги Ҳазначилиги, бюджетнинг ғазна ижроси методологияси бўлими бошлиғи
12	Фарғона вилояти	19	16-20.01.2017й.	Каримов Шухрат Шавкатович – Саноатнинг асосий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуини нарх орқали тартибга солиш бўлими бошлиғи
13	Хоразм вилояти	11	16-18.01.2017й.	Мухаммадиев Уктам Шарифович – Давлат активлари бўйича даромадлар тушумини тартибга солиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи
14	Тошкент шаҳри	11	16-18.01.2017й.	Мусаев Абдуфаттоҳ Абдурауфович – Мудофаа мажмуи ва давлат захираларини молиялаштириш бўлими бошлиғи